

Нарзулло АСАДОВ

ЭҶСОН

Шеърлар, ғазаллар

«Зиё» нашриёти
Гулистон — 2006 йил.

84(5У)6-5 УЗБ. бадиини адабиёти
Шеърлар, Ғазаллар



20 <i>06</i>	Alisher Navoiy nomidagi
<i>A1660</i>	O'zbekiston Mk

1032204
0

© «Зиё» нашриёти

ЗУЛЛИСОНАЙН ИЖОДКОР

Қадимий Ховос қишлоғининг шарқий қисмида тарихий ривоятларга бой Карвонсарой маҳалласи бор. Бу маҳаллада қарийб ярим асрдан бери пиру бадавлат, меҳнат фахрийси, зиёкор, ширинсухан, тожик ва ўзбек тилларида бирдай ашғор ёзувчи зуллисонайн шоир Нарзулло ҳожи Асадов истиқомат қиладилар.

Яқинда Нарзулло бобонинг сулоласи у кишининг табаррук тўқсон ёшларини тантана қилади. Бу тантаналар Ховос ва атроф қишлоқларда яшовчиларнинг чинакам байрамига айланади. Чунки ҳожи бобо ҳамқишлоқлари учун ота – боболари билан суҳбатдош бўлган инсон, кўҳна тарихнинг вакили, жонли гувоҳи ҳисобланади.

Нарзулло асли Чаканд қишлоғидан бўлиб, Асад қози номи билан эл оғзига тушган, Бухорои шарифда таҳсил олиб қайтган ўқимишли ва зиёли инсон оиласида 1916 йилда дунёга келди. Асад ўғлини Оллоҳдан берилган нарз деб билиб, унга Нарзулло деган исм қўйди. Аслида Нарзулло унга бегона исм эмасди. Қишлоқда мулло Нарзулло Чакандий номи билан шеъррий девон яратган нозиктабиат шоир бўларди. Умри 40 ёшида бевақт хазон бўлган бу ҳурматли инсон Асаднинг бир қориндан таллашиб тушган туғишган укаси эди. Асад шоир укасини жуда ҳурмат қилар, у билан фахрланар, барвақт оламини тарк этганида беҳад изтироб чеккан эди. Укасига эҳтироми туфайли ўғлига унинг исмини лозим кўрди. Бунни қарангки, яратган эгам Асаднинг ўғлини шоирлик завқи билан, айни вақтда укасидан фарқли ўлароқ узоқ умр билан сийлади.

Нарзулло олти ёшида мактабга бориб, Жўра қори деган муаллим қўлида бир кунгина таҳсил олади. Эртаси куни бой – бадавлат хонадондан, қозининг ўғли, деган тамға билан мактабдан ҳайдалади. Кўп ўтмай Асад қози хонадонидаги барча аъзолар маҳаллий шўро ҳукумати томонидан қувғинга олинди ва улар Ўратепа (ҳозирги Истаравшан) шаҳрига кўчиб кетадилар. Нарзулло шаҳардаги етти йиллик мактабни битириб, бу ерда очилган педбилим юртига ўқишга кирди. Уни тамомлагач, Тожикистондаги турли жойлардаги мактабларда ўқитувчилик қилди. 1936 йилда Тожикистон Маориф вазирлигининг йўлланмаси билан Тошкентга келиб, ўқитувчилар тайёрлаш 3 йиллик олийгоҳига ўқишга кирди ва уни муваффақиятли тамомлади.

Унинг кўнгли жуда ёшлигидан шеърятга ошифта бўлди, қўлидан Ҳофизу Бедиянинг баёзлари тушмасди. Олийгоҳдаги адабий муҳит,

таниқли шоирлар билан мулоқотлар уни шеър машқ қилишга, бадий ижод билан шуғулланишга даъват этди. У ўз машқларини бирга ўқийдиган дўсти, шеър ёзишда бирмунча тажрибалироқ ҳисобланган Боқи Раҳимзодага кўрсатар, унинг маслаҳатлари асосида шеъриятнинг сирли оламига тобора чуқурроқ кириб борарди. Боқи Раҳимзода кейинчалик машҳур тожик шоири бўлиб ётишди.

Нарзулло дастлабки шеърларини кўнгил учун ёзар, уларда замон талабига кўра оддий лирик кечинмалар эмас, замон дарди куйланарди. Ўша пайтларда бош кўтараётган гитлерчи фашистларнинг айрим давлатларни ҳорат қилгани барча оқкўнгил кишилар қатори Нарзуллонинг ҳам қаҳру газабини кўзгади ва у фашизмга қарши қурашаётган қаҳрамон испан халқига бағишлаб шеър ёзди. Кимнингдир назарига тушиб, «Ўзбекистони сурх» газетасида босилган бу шеър газета таҳририяти таъсис этган махсус мукофотга сазовор деб топилди. Бундан руҳланган шоир бор вужуди билан бадий ижод дунёсига шўнғиди.

Нарзулло ўқишни тугатгач, Истаравшандаги ўзи ўқиган ўқитувчилар тайёрлаш билим юртига директор этиб тайинланади. Билим юртига раҳбарлик йиллари жуда кўп шогирдлар етиштиради. Ўтган асрнинг эллингинчи йилларида Асадовлар оиласи Ховосга кўчиб келади ва Нарзулло ака бу ерда ҳам то нафақага чиққан 1976 йилга қадар муаллимлигини давом эттиради. Нафақага чиққач, 32 йил давомида Карвонсарой маҳалласида оқсоқол вазифасида ишлаган Н.Асадов автобус қатновини ташкил этди, ободончиликка катта ҳисса қўшди.

Отахон саккиз фарзандни вояга етказди, ўқитди, уйли – жойли қилди. Хайрулло машина бошқарувчи сифатида узоқ йиллар ишлаб, нафақага чиқди, Фарҳод – муҳандис, Лутфулло – иқтисодчи раҳбар, Бахтиёр – қурилиш ташкилотининг бошлиғи, кенжа ўғил Дониёр – фермер, қизлари Роҳатой, Шафоат, Шаҳодатлар – уй бекалари. Тўқсондан ортиқ неваралар – чеваранинг бобоси ҳисобланмиш табаррук отахон шу кунларда яратганга шукроналар айтиб, фарзандлари меҳри оғушида яшамоқдалар. Энг муҳими, Нарзулло бобо қарилликни бўйнига олиб, қўл қовуштириб ўтирмайди, қўлда қалами, камтарин ижоди билан ҳамон элимизга наф келтириб турибди.

1. МАНЗИЛИМ ОБОД ЭРУР

ХАТО ҚИЛМА

Кўнгил берса сенга ёринг, анга жабру жафо қилма,
Муҳаббат дарсин ўргангил, бу йўлда ҳеч хато қилма.

Бу ҳаётда сурурли ишқ навосидан баҳра олгил,
Севги тўлиқ юрагингни сен зинҳор бенаво қилма.

Кашф айлагил ўз бахтингни, зеро бунга ҳақлидирсан,
Ғаму андуҳ ичра қолиб, куйиб дилни адо қилма.

Ҳар киши ўз ниятига ҳалол меҳнат бирла етгай,
Фаровон бўлгуси турмуш, нопоклиқдан садо қилма.

Аё, Нарзий, замонавда тоза иймонлилар бисёр,
Соф виждонга хиёнатни ўзинга ҳеч раво қилма.

ТЎЗИМ БЕРСИН ОЛЛОҲИМ

Ёринг жафоли бўлса, умринг сенинг хазондир,
Сиринг ҳеч кимга айтмай, дилинг садпора, қондир.

Ғар бўлмаса ҳаёли ва сўзамол мулойим,
Тез – тез чиққан низодан кайфиятинг ёмондир.

Шу дамда хаёлингдан нелар ўтди, билмадим,
Лекин ҳолинг забундир, ушбу менга аёндир.

Завжанг ота – онангни ҳамда қондошларингни
Кўрса, заҳрини сочгай, у мисоли чаёндир.

Нарзий айтар: Оллоҳим тўзим берсин ўзинга,
Воз кечмасанг ул ёрдин, рангинг мудом сомондир.

БОЛАНГДАН БОХАБАР БЎЛГИЛ

Биз – бир гуруҳ ҳожилар 1995 йилдан бери тез-тез учрашиб, амри маъруф уюштириб турамиз. Шундай анжуманлардан бирида Гулистон шаҳривинг имом-хатиби: «Дин ниқобига кириб олган айрим ғаламислар ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, ёмон оқимларга бошламоқдалар. Ҳушёр бўлайлик, бохабар бўлайлик» деганди. Шу муносабат билан қуйидаги сатрларни битдим.

Ота – она, азиз билсанг, болангдан бохабар бўлгил,
Ахлоқига назоратда ҳушёр шому саҳар бўлгил.

Боланг бебош бўлиб ўсса, ҳаловатинг бузар бир кун,
Бу кунни кўрмайин десанг, чин волида, падар бўлгил.

Келиб дунёи фонийга, сен қандайин из қолдирдинг?
Нобакорлар йўлдан урмай, онгига нур солар бўлгил.

Тунда гоҳо қайтмай қолса, қайлардандир кўча – кўйдан,
Ўз пайтида изла, қидир, унга соҳиб назар бўлгил.

Билим олсин бекор юрмай, ўргансин у турли ҳунар,
Кузатмоқлик борасинда уйдан мактаб қадар бўлгил.

Адашган не ёш йигитлар ўлди тоғу дараларда,
Боланг йўлдан ҳеч тоймасин, доим уни алқар бўлгил.

Аё, Нарзий, фарзандларинг танигандир ўз ақлини,
Насиҳатинг невараяю эварангга атар бўлгил.

НАРЗ АЙЛАЙИН ЖОНИМНИ

Жамолингни кўрсатиб, эй, кўзлари хуморим,
Олиб кетдинг ўшал дам инону ихтиёрим.

Мен мискинни сен ғамнок айламоқ бўлдингми, айт,
Не қилайин энди мен, йўқдир бирор қарорим.

Энди мажнунсифатман, ҳолим кўрган ҳайрондир,
Яна бир дийдорлашсак, эшитгил оҳу зорим.

Фироқингда кўз ёшим тўкарман маржон – маржон,
Излаб борайин десам, танимда йўқ мадорим.

Келиб ҳолимни сўргин, тортинма, паривашим,
Зора баланд янграса сен туфайли дил торим.

Саодатли замонда ёқтирганим сен бўлдинг,
Нарз айланин жонимни, эй, суюкли дилдорим.

ДЕВОНА ҚИЛИБ КЕТДИ

Бир ишва бирла жонон ҳайрона қилиб кетди,
Ақлимни олиб пинҳон, девона қилиб кетди.

Ишқида мен бир бемор Мажнуви дашту саҳро,
Айлаб мени ул шайдо, афсона қилиб кетди.

Оҳу фиғонларимдан кўз ёшларим шашқатор,
Ёмғирдек оқодирлар, гирёна қилиб кетди.

Лаъли лаби гунчадир, шакар мисол забони,
Ишқида куйибдирман, бирёна қилиб кетди.

Юз гурбату ситамга, минг ҳаловатсиз дамга,
Дарду балои ғамга ҳамхона қилиб кетди.

Бошимга тушди ғавғо, Нарзий, надир бу савдо,
Зулмига қилмам парво, парвона қилиб кетди.

КЕЛГИЛ, БАҲОР

Марҳабо, кўнглим очарга ястаниб келгил, баҳор.
Зориқиб кутдим сени кўп, айланиб келгил, баҳор.

Ёзу куз, қиш фасли ўтди, олмадинг мenden хабар,
Абри найсон ерни ювсин, ясаниб келгил, баҳор.

Гофил ўлма, пайти меҳнатдир зироат аҳлига,
Еру кўкни яшнатарга шайланиб келгин, баҳор.

Мадҳ этар Нарзий бугун васфингни дилдан чўғ олиб,
Шул боис ҳам дилгинамга бойланиб келгил, баҳор.

КЕЛДИ РАМАЗОН ОЙИ

Кўнгилларда масрурлик , келди яна Рамазон,
Раҳмат нури ёғилди, нурга тўлди хонадон.

Бу — Оллоҳнинг туҳфаси Муҳаммад умматига,
Ихлос — ла пешвоз чиқинг, барча мўмин мусулмон.

Ўттиз кунга меҳмондир муқаддас бу Рамазон
Рўза тутайлик энди қари, ёшу қиз — жувон.

Рамазон кириб келди, ёғилгай хайру эҳсон,
Тоату ибодат — ла тоза сақлансин иймон.

Оғиз бойлаб турайлик биродарлар, биз ҳар тонг,
Неъматингдан ўргилай, оқшом тўкин дастурхон.

Қутлуғ айём кунлари фитри рўза берайлик,
Ўтганларни ёд айлаб, дилдан ўқийлик Қуръон.

Рамазонни эъзозлаб, рўза тутганга қуллуқ,
Нарзий, эслатгил шуни — савобин берар Раҳмон.

КЎЗЛАРИМ ГИРЁН ЭТМА КЎП

Куйдириб ишқ ўтида, бағримни бирён этма кўп,
Ёндириб сўнгақларим, кўзимни гирён этма кўп.

Висолингга етолмасдан минг доду фарёд айтаман,
Заъфарон бўлди юзим, бемор дилим қон этма кўп.

Тенги топилмас гулсан боғу чаман, гулзоримда,
Эй, маҳлиқо, раҳм айла, сарсон саргардон этма кўп.

Базми ишқинг роҳатидан қилмагил қалбни жудо,
Дилрабо, Нарзий яратган боғни пайҳон этма кўп.

МЕҲРУ МУРУВВАТИ БОР

Фидойи юртбошимнинг адлу адолати бор,
Иймонли элатимнинг меҳру муруввати бор.

Мискинларни қўллагай қўли очиқ, ҳимматли,
Нияти пок инсонга чексиз саховати бор.

Пахта, ғалла, дону дун, омбор тўла бугдой ун,
Халқим турмуш тарзида тўқлик аломати бор.

Илму фану маърифат ўсмоқдадир кўп ғоят,
Олим, фозил, дононинг бахту саодати бор.

Ишбилармон замондош — билимдон тадбиркорнинг
Ички — ташқи бозорда минг хил тижорати бор.

Тинчлик истар одамлар, ҳар бирининг дилида
Осойишта яшашга орзу, муҳаббати бор.

Жасур, ботир ўғлонлар ўз юртини қўриқлар,
Ўз бурчларин оқлашга Ватаннинг даъвати бор.

Шарқда, ғарбда Нарзийнинг энди кўпдир дўстлари,
Номаларда уларнинг табаррук дастхати бор.

МАҲАЛЛАМ

Энди енг шимардик биз, ҳали кўп иш қилгаймиз,
Маҳаллани гуллатмоқ бурчимиз деб билгаймиз.

Ватан асли остона — маҳалладан бошланур,
Не янги ўзгариш бор — дарров кўзга ташланур.

Маҳалламиз таърифин айтсам, катга дostonдир,
Карвонсарой бу кунда яшнаб турган бўстондир.

...Хотирамда жонланар олис йиллар садоси,
Қишлоқ аҳлини бошига тушган ташвиш савдоси.

Ҳув, бир замон эсимда, жуда оғир йил келди,
Ярим тунда Ховосга тўфон ила сел келди.

Ваҳимага тушган эл қалъа томон югурди,
Чодирларни ўрнатиб, неча куну тун кўрди.

Кўп ўтмай Карвонсарой томонга эл йўл тутди,
Ўттиз бешта кўчада кўркем бинолар битди.

Зўринбойнинг уйида илк бор мактаб очилди,
Зиё йўлини Ашуров энг улуғ йўл деб билди.

Сўнг янги мактаб учун янги гиштлар терилди,
Ўша кўркем масканга Неъмат номи берилди.

Гўзал уйлар ва масжид маҳалланинг чиройи,
Яшаш манзилиниг бўлса, бўлсин шундай киройи.

Маҳаллани, дўстларим, обод, тоза тутайлик,
Экиб турли кўчатлар, баҳорларни кутайлик.

Сизга ҳожи Нарзулло тилайди катта омад,
Яшнаган маҳаллада меҳмон бўлинг, марҳамат!

ЯНГИЧА «ЁР-ЁР»

Куёв томон:

– Дарвозангиз олдидан ўтган эдик, ёр – ёр,
Куёв қизнинг юзидан ўлган эди, ёр – ёр.

«Ёр – ёр» айтинг, янгалар, ишлар битсин, ёр – ёр,
Қудалар совчиларни шодон кутсин, ёр – ёр.

«Йўқ» деганда онаси кулган эдик, ёр – ёр,
Қиз боланинг кўнглини олган эдик, ёр – ёр.

Қиз томон:

– Дарвозамиз олдидан ўтибсиз – да, ёр – ёр,
Куёв тўра, жуфтингиз кутибсиз – да, ёр – ёр.

Не қилайлик, икки ёш севишибди, ёр – ёр,
«Бир ёстиққа бош қўйсак», дейишибди, ёр – ёр.

«Йўқ» деганда онаси кулибсиз – да, ёр – ёр,
Рад жавобдан сал хафа бўлибсиз – да, ёр – ёр.

«Ёр – ёр» айтинг, рост экан, кулганингиз, ёр – ёр,
Қизнинг кўнгли борлигин билганингиз, ёр – ёр.

Куёв томон:

– Ўтган гапга салават, бошлайлик тўй, ёр – ёр,
Вақт ўтказиб беҳуда, сурмайлик ўй, ёр – ёр.

Қиз томон:

– Тўй бошлайлик, икки ёш завққа тўлсин, ёр – ёр,
«Ёр – ёр» ёзган Нарзий ҳам омон бўлсин, ёр – ёр.

САРВИ РАВОНИМ КЕЛСА ГАР

Жон фидо қилгум бугун ороми жоним келса гар,
Йўлга меҳрим пояндоз, гунча даҳоним келса гар.

Мен шодланмай нетайин, ташриф буюрса дилдор,
Кулбам нурафшон айлаб, пайванди жоним келса гар.

Тунни тонгга улай, майли, мижжа қоқмай бедор кутиб,
Мен томон бир – бир босиб, сарви равоним келса гар.

Дона – дона тўкилганди соғинганда кўз ёшларим,
Қалбим тўлар севинчларга ширин забоним келса гар.

Аё, Нарзий, интизорлик интиҳоси шодлик бўлур,
Бу бағримга сингиб кетсин, моҳи тобоним келса гар...

НЕ ГУНОҲИ БОР ЭКАН?

**(Амал отига мингач, саломини йўқотиб қўйган собиқ
дўстимга киноя)**

Ҳаётнинг мен хастага кўп можароси бор экан,
Дарднинг ҳам жон қасдига анча савдоси бор экан.

Баъзилар овт ичса ҳам: «ўлгунча дўстингман», — дебон,
Курси тегса, бурчдан ортиқ кибр – ҳавоси бор экан.

Пул, амал билсанг, бу – бир тирноқ ичида кирчалик,
Калтабин, номард учун тенгсиз баҳоси бор экан.

Бенаво, бечора борса, арзига солмас қулоқ,
«Жонга тегди бу авом», — дер, иддаоси бор экан.

Бирга ўсган, бирга юрган дўстларидан кечди у,
Бундан ортиқ не мақсад, не муддаоси бор экан?

Ганжни заҳматлар билан топган кишини мард дегил,
Элнинг ул мардга аталган ҳамд — саноси бор экан.

Дўстга асло хиёнатни раво кўрмас покният,
Нарзийнинг ул дўст олдида қандай гуноҳи бор экан?

ҚИЛ ИБОДАТ ЭРТАЛАБ

Бандаи мўмин, туриб, қилгил таҳорат эрталаб,
Офтоб чиқмасдан бурун қилгил таҳорат эрталаб.

Умр ўтар елдай, бўтам, ҳаргиз тутолмайсан уни,
Борадурмиз бир кўни гўру қиёматга қараб.

Холиқи қудрат яратмиш бани одамдан сани,
Ҳақ — тасло талабига қилгил риоят эрталаб.

Ўткинчидир даври даврон, асло мағрур бўлмагил,
Қабристонда ётганларни қил зиёрат эрталаб.

Бечораю муҳтожларни камситиб, хор айлама,
Хайр ила эҳсон бериб, кўрсат саховат эрталаб.

Ёзди Нарзий бу ғазални эзгу бир ниёт бирла,
Барчамизга насиб этсин ризқ — барокат эрталаб.

БЕМОРЛИГИМ БИЛМАСМИСАН?

Эй, нозли ёр, ишқингда мен бедорлигим билмасмисан?
Кўйингда мен хастадирман, беморлигим билмасмисан?

Неча кунки, тўшак узра азоб чекиб ётмоқдаман.
Боролмасман сен томонга, ночорлигим билмасмисан?

Ҳаловат не, билмай асло номинг айтиб такрор — такрор,
Интиқ бўлиб висолингга мен зорлигим билмасмисан?

Гоҳи тушда агёр ила юрганингни кўриб, куйиб,
Дард устига дардим ошар, абгорлигим билмасмисан?

Нарзий ёзган ашъорини қабул этгил хат ўрнида,
Гар топишсак, бизни кутган бахт борлигин билмасмисан?

САДОҚАТЛИ БЎЛГИЛ АНГА

Бир меҳрибон дўстинг бўлса, садоқатли бўлгил анга,
Синовлардан ўта олсанг, кўнгил боғлар у ҳам санга.

Чин дўст топмоқ гоят мушкул, лек йўқотмоқ осонроқдир,
Минг бор таҳсин ўртадаги риштани ҳеч узмаганга.

Оқил дўстинг пинҳон тутар неки сириг айтар бўлсанг,
Душманинг – чи, иллат излаб, тайёр турар мудом жангга.

Амал отин минар эрсанг, кўпаяжак «қадрдон»лар,
Улар дўстдир сенга эмас, остингдаги ул «саман»га.

Аё, Нарзий, қадр топгин пок қалблилар даврасида,
Лек ҳушёр бўл, дуч келмагил «дўст» ниқобли Ёсуманга.

ҚОНДОШЛАРИМ

Не бахт, кўпдир менинг азиз қондошларим,
Мудом омон бўлсин жондек жондошларим.

Умр асли муваққатдир, ғаниматдир ҳар фурсати,
Яхши – ёмон кунларимда ёнимдадир ёндошларим.

Хаста ётсам дард туфайли тўшак узра озорланиб,
Йироқ кетмас парвонадир атрофимда кўз – қошларим.

Поёнига етса умрим, асоқашдан айирмасин,
Оғир кунда ярай олсин дақиқадош, ондошларим.

УЯЛГАЙМУ?

Чаман ичра булбул бўлсам, гули раъно уялгайму?
Мадҳ этай деб хониш қилсам, ўшал барно уялгайму?

Нигоҳимиз тўқнаш келса, ол юзлари лоларангдир,
Мажнунини кўрган чоғда сулув Лайло уялгайму?

Ошиқдирман жамолига, тонгдек тиниқ ақлига ҳам,
Дил изҳорим эшитганда кўзи шаҳдо уялгайму?

Унинг ўтли ишқида мен кул бўлдим – ку куйиб, нетай,
Ё шу ҳолга туширган – чун юзи зебо уялгайму?

Насиб этса ширин висол, дийдорлашсак, сўз тополмай,
Қоши камон, кўзи хумор этиб шайдо, уялгайму?

СОҒЛИҚНИ АСРАНГ

Соғлиғингиз асранг, дўстлар, сўнгра армон қилиб юрманг.
Парво этмай насиҳатга, ўзни сарсон қилиб юрманг.

Табобатнинг қудрати ҳам кеч бўлганда ожиз эрур,
Вақт ўтганда надоматда кўп пушаймон қилиб юрманг.

Саломатлик посбонлари огоҳ этса хавф – хатардан
Бўйсунмоқни ортга ташлаб, аҳду паймон қилиб юрманг.

Бош ёстиққа етган чоғда ҳолсизликда, бетобликда,
Кеч қолганда беҳудага дори – дармон қилиб юрманг.

Беморликда озорланиб, шифо истаб турли жойда,
Даво топмоқ мушкул бўлса, дилни вайрон қилиб юрманг.

ҲАЖРИДА

Айтинг ёрга, мен ҳажрида чекдим – ку кўп озорлар,
Ундан ўзга мафтун этмас, бўлдим рости иқрорлар.

Ажаб, менга шайдо бўлган сулувлар ҳам бор экан,
Ҳар куни бир очилгайдир ул гунчаи беорлар.

Ҳатто Фарҳод ишқ ўтида ёнмагандир мен каби,
Қанча – қанча топилдилар томошамга ағёрлар.

Ширингина табассуми кўз ўнгимдан кетмас ҳеч,
Учрашувнинг они яқин, дилим тўла изҳорлар.

Ул санамнинг ҳуснин ёддан чиқармай ошифтаман,
Тунлар бедор кезиб, битдим ажиб, гўзал ашъорлар.

ҚЎЛ ОЧИБ, ОМИН ҚИЛИНГ

Қўл очиб, омин қилинг, устувордир токи дин,
Ҳақ таоло еткурур луқми ҳалол покидин.

Нафсибадлар тўймайин таомга парвонадир,
Бўкиб ўлса очликдан, дўзахга равонадир.

Виждони соф кишининг фарзанди эмас ҳаром,
Ҳаттоки уйқусинда бўлмагайдир беором.

Обод маҳаллам кўрки масжиди Хастии Умар,
Бунда ҳар қалб одоб — хулқ, қаноатдан нур эмар.

Нарзиё, мадҳ айлагил кимки ғолиб нафсидан,
Қайтаргил очофатни ебтўймаслик касбидан.

КЕТАРМИЗ ОҚИБАТ БИР КУН

Жаҳон мулкани забт этсак, нетармиз оқибат бир кун?
Гадо, шоҳу пир бўлсак ҳам ўтармиз оқибат бир кун.
Пайт келар, рўзи маҳшарга етармиз оқибат бир кун,
Очиб кўзни, фикр қилсак, кетармиз оқибат бир кун.

Эй, биродар, бу дунёда ҳаёт гўзаллигин билдинг,
Умринг давомида айт — чи, сен кимга яхшилик қилдинг?
Тирикликда гоҳ шод бўлдинг, гоҳо ногоҳ хўп эзилдинг,
Энди ўйлаб, фикр қилсак, кетармиз оқибат бир кун.

Жаҳон айвонига келган барча шоҳу хоқон кетди,
Муродига етиб — етмай жами соҳибқирон кетди,
Турли мақсад бирла яшаб, ҳам яхши, ҳам ёмон кетди,
Баду неклик бирла юрсак, кетармиз оқибат бир кун.

Оламни олган Искандар кетди танҳо бу дунёдан,
Мустафомиз ул пайғамбар кетди танҳо бу дунёдан.
Не — не фотиҳ, ғолиб сарвар кетди танҳо бу дунёдан,
Қанча фурсат яшамайлик, кетармиз оқибат бир кун.

Рустами дoston кетибдур белидан қувват қолмагач,
Ҳоли ночорлар кетибдур бизда мурувват қолмагач,

Дўст кетибдур водариғо, бизда ҳурмат қолмагач,
Нарзиё, ёз кўп ғазал, кетармиз оқибат бир кун.

МИРЛАТИФ БОБОМ ХОТИРАСИГА

Мирлатиф бобомга ўхшар ул Ҳазрати Эшонқули,
Аларнинг пок зотидандир Маҳманосир Шокир ўғли.

Канда қилмай намозни тоат — ибодат чоғида,
Қуръон ўқиб, бобосини ёд айлағайдир гоҳида.

Элга бошлиқ Маҳманосир доимо ҳурматдадир,
Ҳазратқул бобосидек у эъзозу иззатдадир.

Мирлатифнинг пок номи ҳам йўқолмағайдир ҳеч қачон,
Ўз ўғлининг Латиф исми ёдга солади бегумон.

Мирлатифким, мулло Асад бирла яқин ошно эди,
Икковининг ҳар сўзида олам — олам маъно эди.

Ул Эшонқул бобонинг ҳам руҳлари шод бўлғай мудом,
Зеро оталар дўстлиги этмоқдадир бугун давом.

МАРСИЯ

**(Марҳума Собира Насруллоеванинг вафотига бағишлаб
қизи Каромат номидан)**

Дўстларим, найлай, бу кун онажоним кетдилар,
Меҳрибон, мунис, азиз қадрдоним кетдилар.
Дийдор қолди Маҳшаргами, шараф — шоним кетдилар,
Таассуф, бу дунёдан чин посбоним кетдилар.

Сабру тоқат бобида якто эрди онамиз,
Қувонган ҳар онимиз ошно эрди онамиз.
Бизга бош, ҳар бир ишга фидо эрди онамиз,
Дин — мазҳаб бўстонида болзабоним кетдилар.

Қартайган чоғи нетгай мўътабар, мушфиқ отам,
Орқасидан зор йиғлаб, акам тутмишлар мотам.
Эй, худо, қил Саломат, Кароматни жамулжам,
Нетайин, қондошларим, руҳи равсоним кетдилар.

Қайданам волидаимиз дардга бўлди мубтало,
Чопдигу тўрт тарафга, топмадик унга даво.
Йўқ экан совуқ ажал келганида ҳеч шифо,
Оҳларим кўкка етгай, жонажоним кетдилар.

Бандаи мўминга бергил сабру тоқат, эй, худо,
Қўлласинлар то қиёмат ҳазрати Одам Ато.
Шод айланг руҳларини ё, Муҳаммад Мустафо,
Ҳамдами ҳамрози мўмин чорёри босафо.
Ҳожи Нарзулло ёзиб, келтирди ҳурматни бажо,
Раҳматингни аяма эй, қодирни қудратнамо.

1999 йил, 18 июль.

ФАРЗАНДЛАРИМ

Дўстлар, келинг, бу кун мен тўқсон ёшга етмишам,
Умрим йўли олисдир, кўнгилни тўқ этмишам.

Битта эдим, минг шукр, хўп кўпайди авлодим,
Қанча — қанча невара, эваралар зурёдим.

Юрагимга риштадир Хайруллонинг фарзанди,
Меҳрин меҳримга улар Лутфуллонинг дилбанди.

Роҳатой ва Шафоат, Фарҳоджон ҳам ибратли,
Бахтиёру Шаҳодат бир — биридан ҳимматли.

Дониёр менинг кенжам, энди у ҳам бободир,
Ўз бахтидан масрурлик қалбадаги наводир.

Жами ўғил — қизларим, келинларим иттифоқ,
Орасига уларнинг ҳеч ким сололмас нифоқ.

Шукр қилай худога, фарзандлар бахтин кўрдим,
Невара — эваралар эришган тахтин кўрдим.

Қондошлар оқибатли, мамнундирман минг бора,
Илоҳим, ошаверсин аҳилиги тобора.

КАЛИШ ХУСУСИНДА ҲАЖВ

Бир калиш кийдим, нетай, «лаби – лунжи» вайрон экан,
Уни кийиб, йиқилсам гар, кўрганлар ҳам ҳайрон экан.

Қор ёғиб, ер музласа, тойгонларим зўр тамошо,
Мендайн бир мўйсафид изза бўлиб қолгон экан.

Яхшиямки, ёмон ит йўқ Карвонсарой кўчасинда,
Акс ҳолда калиш учиб, камина ҳам сарсон экан.

Қайси нопок қўл ясамиш бундай нобол жуфт матоҳни,
Асли ўзи сифати йўқ, шуа боис ҳам арзон экан.

Аё, Нарзий, учмагил ҳеч паст бўлса гар нарх – навоси,
Виждони йўқ сотувчиси сотган они қочгон экан...

МАНЗИЛИМ ОБОД ЭРУР

**Мустақиллик шарофати билан Карвонсарой жамоа аҳли
ҳашар ташкил этиб, ажойиб бир масжидни барпо қилдилар.
Шукроналик ва хотира тариқасида маҳалламиз ободончилигида
иштирок этганларга бағишлаб ушбу мисралар битилди.**

Жам бўлиб, қилдик ҳашар, номин Эзгулик атаб,
Минг дуолар айладик фидойиларни мақтаб.

Усталик анжомларин келтирдилар Маҳмадрауф,
Шомгача бўлган ҳашар давомли ҳар эрталаб.

Нормурод, Каримберди, Нуриддин, Бозор келди,
Неъмат, Гадоё бундадир аслаҳасин орқалаб.

Маҳмуди ошпаз бирла Қаҳҳору Маҳмадкарим,
Муродбойсиз елкадош Толиб Азимни еталаб.

Рўзиқул Сангин акам пандини олган экан,
Чорловсиз ҳам келгайдир, ахир у олийнасаб.

Абдуқодир, Абдуқаюм тонгда Хайрулло билан
Йўлга чиққай Алиқул ҳам бемалол мўйлов силаб.

Оқсаниб боргай Ғафур, Карим бобо ёнма – ён,
Ҳайрато, бир қўл ила келгай Назирқул мўралаб.

Нарзиқул Уммат сахий йўлига интиқ бўлиб,
Назарин ташлар Шукуру Маҳмадийга бир қараб.

Бемуродқул, бормагай Раҳмат намозига мудом,
Сўфи Исроил азонин эшитурмиз боадаб.

Менга мулло Парда – ю Абдурахим ҳамроҳдир,
Йўл юрар асо олиб, Нарзий ибодатга яраб.

Маҳманосир, Мазамқул, Исоқ бобо, Хўжақул,
Абдулрахим, Хайрулло ҳашар чоғи ишталаб.

Жўрабо – ю Фатхулло, Остонақул, Маҳманазар
Мамнун эди чин дилдан пойдеворга гишт қалаб.

Салоҳиддин, Абдулаҳад, Одил Саидга раҳмат,
Абдулрахим Расулов қилди хайру саховат.

Ҳеч ҳормайин, тинмайин оддилар элдан дуо,
Энди эл мусулмонлар ўқир намоз саждалаб.

Ота – она, ёру дўстлар руҳларини шод этиб,
Бул масжидда тиловат ўқиймиз минг марталаб.

Одамий эрса кимки, обрўлидир эл аро,
Ҳақ Таоло етказур мақсадига, ўзи сабаб.

Анинг сочган эзгулик уруғин териб авлод,
Шонли йўлни тутажак ўзига сабоқ санаб.

Масжидга ўсмирлар ҳам бориб турсин гоҳ – гоҳи,
То бекор ўтмасин вақт ёки бевақт, ғайри шаб.

Ҳам фаровон, ҳам чароғон манзилим обод эрур,
Қиз ўғил саф – саф бўлиб мактаб борсин соч тараб.

Атра, ё, раб, аларни хоби ғафлат куйидин,
Бўлмасин янги авлод беандиша, беадаб.



Суратда: Карвонсарой масжиди фаолларидан бир гуруҳи

ЯРАТГАНГА МИНГ ШУКР

(Анорбиби онанинг хотиралари)

Қадим Ховосда маним кўплаб аждодим ўтган,
Эл ичра обрў топган кишилар авлодиман.
Уч — тўрт ёшга етмасдан етим бўлдим, водариг,
Яқинларим уйида яшаганим едимда.

Мирбобо бобом бўлган, отам исми Мирсаид,
Амаким Миршарифдан иссиқ меҳр кўрганман.
Болалик чоғларимда қурғоқчилик авж экан,
Ўшанда қариндошлар паноҳида турганман.

Ёлғиз ўсдим акасииз, бир сингилсиз мунғайиб,
Гоҳо шод, гоҳо ғамгин етукликка юз тутдим.
Бир кунни тўй қилдилар, келин бўлдим баркамол,
Ота — онам йўқлигин ҳис қилиб, зардоб ютдим.

Йиллар ўтди орадан, фарзандларим туғилди,
Ҳамробой — ла саккиз қиз ва бир ўғил улғайтдик.
Эвоҳ, кутилмаганда дард келди — ю қайлардан,
Ногоҳ болаларимнинг отаси қилди қайтиш.

Мукарраму Рухсатой, Умрижонлар зурёддир,
Эшқўзижон ўғлим — ла Гавҳар, Муҳаббат қолди.
Насиба — ю Ўғилжон, Кумушойлар хотирлар,
Мархума Дилбаримдан меҳру садоқат қолди.

Яратганга минг шукр, турмушимдан розиман,
Невара — ю эварам ҳар биттаси гавҳарим.
Дунёда яхшилар кўп, улар доим ҳамнафас,
Ҳожи Нарзулло маним раҳнамоим, сарварим.

ЎЗБЕКИСТОН ТҶҲҲИГА

Мустақиллик бахт берди, дилларда қувонч бисёр,
Неча йиллар биз уни кутган эдик интизор.
Илҳомим жўшиб бу кун ёзажакман кўп ашғор,
Марҳабо, хуш келибсиз, Ўзбекистон тўйига!

Турғунлик ҳукм сурган даврда хўп эзилдик,
«Оға»ларга ноилож эгилиб, қуллуқ қилдик.
Эркнинг нима эканин энди англадик, билдик,
Марҳабо, хуш келибсиз, Ўзбекистон тўйига!

Шўро пайти «улуғ»лар ҳар ён «довруғ» солдилар,
Ғалла – дону пахтамиз, сийму зарни олдилар.
Истиқлол бизни қучгач, ҳайрону лол қолдилар,
Марҳабо, хуш келибсиз, Ўзбекистон тўйига!

Хонақо – ю масжидлар, маҳроблар бўлган хазон,
Аҳли дину фозиллар йўқолганди бенишон.
Биз энди тобе эмас, қўлимизда минг имкон.
Марҳабо, хуш келибсиз, Ўзбекистон тўйига!

Ҳилпирар жаҳон узра Ватанимнинг байроғи,
Тожиқ, қозоқ, туркмандир ўзбегимнинг ўртоғи.
Кўксимга шамол тегди, йўқдир қалбимнинг доғи,
Марҳабо, хуш келибсиз, Ўзбекистон тўйига!

ЮРТБОШИМИЗ ТУФАЙЛИ

Саодатбахш бу даврон юртбошимиз туфайли,
Халқнинг дардига дармон юртбошимиз туфайли.

Сиёсатнинг бобида у билимдон, зуккодир,
Жаҳонга қўйдик нарвон юртбошимиз туфайли.

Шўро даври қайтмагай, энди зор ҳам эмасмиз,
Келган бу бахтли замон юртбошимиз туфайли.

Мустақил бир давлатни барпо этди мардларча,
Бизни қучган шараф – шон юртбошимиз туфайли.

Темур руҳи қўллагай миллатпарвар сарварни,
Бизники мулку макон юртбошимиз туфайли.

Ал – Бухорий, Термизий, ал – Форобий биз билан,
Улар қайта топди жон юртбошимиз туфайли.

Қайга узатсак агар, етажақдир қўлимиз,
Шоир Нарзий хўп шодон юртбошимиз туфайли.

ҲАЁТ ЙЎЛИМ

(Яссавиёна)

Қози Махсум пок зотидан бу дунёга келган мано,
Бир ёшимда онам ўлиб, етимликни билган мано.

Ота меҳри баланд экан, ўзни хурсанд этган мано,
Беш онанинг кўксин эмиб, етимликдан ўтган мано.

Шарофату Сокинани онам, дея айтган мано,
Зайнаб, Шодмон, Ҳидоятни йўқотган чоқ қотган мано.

Ўн олтинчи йил кузинда олам юзин кўрган мано,
Чаканд экан таваллуд жой, меҳрим қўйиб юрган мано.

Тожикзабон экан элим, бийрон сўзлаб ўсган мано,
Токзорларда ширин узум бандларидан кесган мано.

Чакандликлар чин миришкор, ишлаб халққа ёққан мано,
Тоғу чўлда молу ҳолни болаликдан боққан мано.

Сайр этарга арзигулик гулзорларда юрган мано,
Соҳибжамол дилдорлар — ла дилдан суҳбат қурган мано.

Хуш насимли, хуш ҳаволи Чаканд боғин кезган мано,
Ўсмир чоғим илк севгининг сурурини сезган мано.

Эски мактаб томон қатнаб, дастлаб сабоқ олган мано,
Солихўжа қочиб кетгач, муаллимсиз қолган мано.

Отақулу Абдукарим от чопганин билган мано,
Бою мулла таланганин хотирга жой қилган мано.

Фаллазору бўстон қўлдан кетгач, алам ютган мано,
Бежаноза ўлик ётган тобут чўбин тутган мано.

Янги мактаб бориб, ўқиш даврини ҳам кўрган мано,
«Марш!» деганда фирқа вакил, кетиб, бўзлаб юрган мано.

Болаликда не – не ситам бағри аро қолган мано,
Орадан кўп йиллар ўтиб, ўзни йўлга солган мано.

«Синовлардан ўтди!» деган хулосага арзиймано,
Тўқсон ёшли пир – бадавлат кекса шоир Нарзиймано.

КАРВОНСАРОЙ МАСЖИДИ ТАЪРИФИДА

Карвонсаройнинг масжиди обод бўлди меҳнат билан,
Ибодатга кириб келган унга боқди ҳайрат билан.
Ҳашар тарзда битказилган бул табаррук намозгоҳга
Сидқидилдан ҳисса қўшди кексаю ёш ғайрат билан.

Мустафоқул ҳожи бирла Маҳмадрауф ҳожи бошдир,
Бухорода таҳсил олган Худододлар кўзу қошдир.
Имом бўлган Худоёри Каримберди дуо ўқир.
Амри маъруф ва намозни ўқир чоғи жой талошдир.

Қироат – ла хатми қуръон, гаҳе мавлид ўқилгайдир,
Тавба қилиб келган каснинг бор гуноҳи тўқилгайдир.
Офарину тасаннолар эътиқоду чин ихлосга,
Худо деган ҳар мусулмон саждагоҳга букилгайдир.

Кўҳна масжид атрофи ҳам ажиб, гўзал бўстон бўлди,
Доим элни чорлагувчи зиёратгоҳ макон бўлди.
Нарзий тез – тез ташриф этгай бул муборак қадамжога,
Эзгу ишлар ҳақинда у ёзган байтлар дoston бўлди.

ҚАТАҒОН

Ўттиз учинчи йил... Талаба бўлиб,
Таҳсил олар эдик катта шаҳарда.
Билимга ташналик туйғуси билан
Ўқишга келардик доим саҳарда.

Бир куни синфнинг деразасидан
Кучли шамол кирди кутилмаганда.
Лениннинг сурати деворда эди,
Силкина бошлади чўчитиб андак.

«Эшикни тез ёпгин, тезроқ, Нарзулло,
Ленин йиқилади шoшмасанг шу он!» –

Деди курсдошимиз Гадоёбой Раҳмат,
Ёнида Файнуллин қотди ногаҳон.

Улгурмадик, пастга қулади сурат
Ва яна жойига осилди дарҳол.
Шу куннинг эртаси Гадоёбой Раҳмат
Ўқишга келмади, бизлар эдик лол.

Чарм камзул кийган терговчи кейин
Бизларни бирма — бир сўроққа тортди.
«Йиқилди» дедими, ё «йиқилади»?
Вужуддаги қўрқув ҳислари ортди.

Гадоёбой Раҳматни — курсдошимизни
Биз қайта кўрмадик, минг бора афсус,
Вақт ўтиб, битта сир очилди фақат:
Файнуллин «дўстимиз» экан зўр жосус.

НОДОНЛАРНИ ТЕРГАЙЛИК

Катгаларга ҳурматсиз қиз — ўғлонларни тергайлик биз,
Кўнгилларга озор берган ёмонларни тергайлик биз.

Турли манфур оқимларга, тўдаларга кирмоқ бўлган
Ҳийлаларга учган лақма, нодонларни тергайлик биз.

Ор — номусиян пулга сотган ҳаёси йўқ, эгриқадам,
Фаҳш ботқоғин афзал билган жононларни тергайлик биз.

Ўқиш, ишин тайини йўқ, панд — ўғитга қулоқ солмас,
Кўча — кўйда саргардону сарсонларни тергайлик биз.

Ўдагига меҳр бермай, кўкрак тутмай ундан кечиб,
Тирик етим қилиб кетган жувонларни тергайлик биз.

Аё, Нарзий ҳалол яшаб, салкам юз йил умр кўрдинг,
Нопокликдан қайтмас нафси ўпқонларни тергайлик биз.

ОЗОД ВАТАНДА ЯЙРАЙЛИК

Мустақиллик насиб этди, озод Ватанда яйрайлик,
Давру даврон суриб, энди обод чаманда яйрайлик.

Аждодларнинг неча йиллик орзулари ушалганда,
Қадрлабон истиқлолни, азиз масканда яйрайлик.

Тобеликсиз кўнгилларда тўлиб — тошди завқу сурур
Эркимизни эъзоз этиб, гўзал гулшанда яйрайлик.

Тўқсон ёшли шоир Нарзий, бахтиёрсан бу замонда,
Оллоҳ умр берса, ёшинг юзга етганда яйрайлик.

ГУЛЛАР ИЧРА РАЪНОДИРСАН

Мен ошиқи шайдодирман, сен машуқи зебодирсан,
Булбул бўлиб излагайман, гуллар ичра раънодирсан.

Мушк — анбарин димоғимга еткурганда майин сабо,
Пешвоз чиқдим йўлларингга чиндан кўзи шаҳлодирсан.

Висолингга етишмоқлик Сулаймон тахтидан устун,
Қалбимга ишқ ўтинг ёққан назокатли барнодирсан.

Ҳажрингда кўп бемор бўлдим, табиблар ҳам лолу ҳайрон,
Не — не дори бенаф кетмиш, ёлғиз ўзинг даводирсан.

Ошиқ Нарзий дийдорингга муштоқ яшар то сўнг нафас,
Кел, эй дилдор, ҳаёт бахш эт, умримга сен раънодирсан.

ЖУДОЛИК

**(Умр йўлдошим Ҳабибанинг ёрқин хотирасига 1996 йил 22
декабрь — вафоти куни ёзилган шеър)**

Айладинг ё Раб, мени мунис қадрдондан жудо,
Муштипар, ғамхор, ўшал бир малҳами жондан жудо.
Шошди ақлим, куйди бағрим, кўзга олам тор бугун,
Бўлдим — а азиз рафиқам — ул меҳрибондин жудо.

Ҳар банданинг ёзуғида битик экан машъум ажал,
Панжаси бирлан сиқиб, жонларни олгай бемаҳал.
Сабру тоқат бергил энди менга, эй, қодир худо,
Ҳеч қачон қутилмаган маргдин қочиб умри азал.

Дод ила фарёд этарман, кўзимда ёшим шашқатор,
Рангу рўйим заъфарондир, ғаму алам чекиб зор — зор.

Оҳ, наҳотки қўйганим рост маҳбубамни ер остига,
Энди узун тунлар ўтар азиз ёди билан бедор.

Боғу бўстон, чаманзорлар қолди – ку андин, водариг!
Ҳеч нарса бўлмади устун оппоқ кафандин, водариг!
«Суюклигим қолди», дебон боқмади у ортига ҳеч,
Не азият чеккан экан бечора мендин водариг?!

Маккатуллога бориб, дуо қилдим мен жонини,
Умрининг сўнги қадар пок сақладим имонини,
Эҳ, нечун бу умримиз омонат эрур шунчалар,
Салга чўзса не бўларди Оллоҳ умр имконини?

«Ҳожи бобо келдилар!» деб чиққанди чопиб йўлима,
Шодлиги ҳаддин ошиб, ташлаб қўлларин бўйнима.
Хешу ақраболарни йиғиб менинг ўнгу сўлима,
Фаҳр ила: «Шаймиз, – деганди, – Ҳожи бобонинг тўйига».

«Сув» десам, шарбат тутар парвона бўлган келиним,
Хизматимда доимо ўғил – қизу жигар, иним.
Лек Ҳабибамдек яқин дардкаш тополмасман бўлак,
Энди қандай ўтажақдир унингсиз кун ила туним?

МЕН БИЛМАГАН ИНСОН ЭКАН

Бир кимсага бердим кўнгил, мен билмаган инсон экан,
«Ваъдаларга қилгум вафо» деганлари ёлғон экан.

Ҳасрат айлаб бир сўз десам, дилга яқин тутиб ногоҳ,
Сир сақламай ўзгаларга тез фурсатда ёйғон экан.

Савлатидан от ҳурқадир, баландпарвоз ҳар бир гапи,
Тоби йўқдир ишламоққа, лек ғийбатда полвон экан.

Бўлар – бўлмас фисқу фасод, ҳам иғводан завқ олиб у,
Кимлардандир иллат излаб, бундан ҳузур олғон экан.

Нарзийдан гар сўрасалар: «Бу дўстингдан не наф?» – дея,
Дер: «Наф – ку йўқ, лекин бу ҳам битта сабоқ бўлғон экан».

ШАЙТОНДАН ҲАМ ЁМОНДИРСАН

(Ғаразли мақсадда баъзи ёшларни йўлдан уриб,
пушаймонлик гирдобига тушираётган нобакор кимсага)

Қабиҳ ният ҳамроҳингдир, шайтондан ҳам ёмондирсан,
Ёшлар онги нишон сента, ниш ургувчи чаёндирсан.

Туман макру фириб бирла йўлдан урдинг нечаларни,
Нопок ишдан роҳатланган бадкирдор бир инсондирсан.

Худойимнинг қарғишига учраб, жазо олгунг албат,
Адолатнинг офтобидан кўрқиб — писиб, пинҳондирсан.

Тилинг бирла шакар тўплаб, идрокларга заҳар сочган,
Қоронғу, зах маконларда вишиллаган илондирсан.

Қуръон ушлаб қасам ичдинг покликдан сен лоф — қоф уриб,
Не — не лақма тузоғингда, таассуфким, омондирсан.

Нарзий айтар: азобларга дуч келмоғинг пайти яқин,
Бир кун жазо сиртмоғида рангу рўйи сомондирсан.

УМРИМ ДАВОМЧИЛАРИ

(Парвизжонга)

Болдек ширин Парвизжон — элигинчи эварам,
Худо муносиб кўриб, бўлсин бир йигит ўктам.

Неварам Анвар — дада, Гуландомжон — аяси,
Ўғлим Дониёр, келин Адолат набираси.

Санжар, Сарвар, Лутфулло, Асадулло бир тараф,
Гулзодахон, Холбуви, Сурайёхон хўп яйар.

Гулафрўзу Фарангиз, Насиб, Ҳофиз, Бунёджон,
Шаҳзод ва Иноб келса, нурга тўлар хонадон.

Фарҳоджон ва Эҳромжон, Гулрухсору Гулнисор,
Умрим давомчилари — қалбим кўри Ифтихор.

Жасуржону Нилуфар бобосининг чироғи,
Улар билан кўркамдир кекса Нарзийнинг боғи.

Парвизжоним туғилди, эллигинчи эварам,
Сулоламга қўшилмиш, қувониб кетдим бирам.

Шу ота маконимда авлодим яшар, кўчмас,
Наинки номим, балки чироғим асло ўчмас!

ЛОГИНЛИК САФДОШЛАРИМГА

Қадим Ховосга яқин Логин деган қишлоқ бор,
Қадрдон дўстларим — лақилсам арзир ифтихор.

Абдумавлонхон тўрам — логинликларнинг пири,
Нубувватхон асида ўз халқининг дастгири.

Нишон, Карим, Рўзибой, Ҳасан, Саттор, Исроил,
Умрзоқнинг ишига барча бўлганди қойил.

Ўтгизинчи йилларда Тошкентда ўқир чоғим,
Логинга гоҳ — гоҳ қўниб, ортттирдим дўст, ўртоғим.

Улар қучоқ очишган, нон — тузини еганман,
Иzzат — ҳурматлар кўриб, раҳматимни деганман.

Шогирдларим кўп эди, Қўшқанд, Логин, Қўриқдан,
Мамнун эди барчаси мендан олган йўриқдан.

Ҳамкасбларим издоши Абдуқулу Валижон,
Нарзий саломлар йўллаб, дер: «Бўлинг соғу омон!»

АЛАМЛАРГА ТАШЛАБ КЕТДИНГ

(Дунёдан бевақт кўз юмган фарзандим Хайруллонинг хотирасига)

Хайрулложон, жоним болам, аламларга ташлаб кетдинг,
Бу оламни тез тарк этиб, ситамларга ташлаб кетдинг.

Кўзимдан ёш, юрагимдан ҳалқоб — ҳалқоб қонлар оқди,
Қабристонда барча менга ачинганча бўзлаб боқди.

Зодим фалак дастидан дод, тупроқ тортдим гўрингга мен,
Водариғо! Мен — тирикман, қаро ернинг бағрида — сен!..

Гуноҳим не эди болам, чидолмасман айрилиққа,
Сени ҳар гал эслаганда кўзимда ёш жиққа – жиққа.

Эй, худойим, бардошли эт болагинам зурёдларин,
Қалбим титрар эшитган чоғ уларнинг дод – фарёдларин.

Қабрнинг нурга тўлсин ўғлим, руҳинг мудом шод бўлғуси,
Ҳар бир қондош юрагида номинг тез – тез ёд бўлғуси.

КУРАШ МУБОРАК!

(Карвонсаройда Баҳром Эгамшукуров миллий курашни қайта тиклади).

Иброҳимдек бир самимий
Биродарга ёрдирман.
Шукур полвон кураш тушса,
Шунисига бордирман...

Рустам дoston десам арзир
Ғафур полвон акасин.
Кураги ҳеч ерга тегмас,
Шундайни эл мақтасин.

Ҳотамтойи замонамдир
Қўли очиқ Баҳромжон.
Қайирмалик зотидан у,
Ўзи ҳам кучли полвон.

Ёш полвонлар рақибини
Чирпиратар эҳ, чунон!..
Ҳали бизнинг томондан ҳам
Чиқажак кўп чемпион.

Истиқлолим! Ҳар бир ишга
Очиб бердинг катта йўл.
Миллийликни, қадриятни
Тикладинг, сен омон бўл!

ЙЎҚЛОВ

(Карвонсарой қабристонни ва унинг ён-атрофини ободонлаштирган, бугунги кунда орамизда йўқ кишиларни хотирлаб)

Қабристонга қўйдим қадам,
Дилгинамда каломим.
Мендан олдин кетган жами
Бандаларга саломим.

Кеча бирга юрган дўстни
Кўра олмай мен ҳалак.
Келмас манзил томон кетмиш,
Қайтаролмам, эй, фалак!

Абдурахмонхўжа пирим
Ҳақ йўлига бошлаган.
Содиқ, Солиҳ, Бегали ҳам
Бирга қадам ташлаган.

Тўйчи, Бозор ва Мазбудни,
Абдуллони ёд этгум.
Мирзоҳиду Маҳмадиси
Руҳларини шод этгум.

Бул мазорнинг айвонини
Қурган Муқим, Атодир.
Зўринбойни, Жиянбойни
Эсламасам хатодир.

Тўраларнинг тўрасидир
Назирхону Ҳуснихон.
Нормат Қурбон эсланганда
Эсланмасми ул Султон?

Жўра эди, иноқ эди
Қодирқулу Мирзиё.
Каримқулни, Ҳамдамбойни
Паноҳга ол, эй, худо!

Олишчабой, охиратинг
Обод бўлгай жаннатда.
Ота – она, ёр – биродар,
Хотирангиз иззатда.

Бу кун келиб, Нарзий сизга
Бахш айлади эҳтиром.
Маҳшаргача хайр, дея
Сўзин қилди у тамом.

II. МАН ҲОҶИИ ДАВРОНАМ

(Ашъори тоҷики)

ТУХМИ АРЗАН НИГАҲ ДОР

*«Дар вақти гули кавар,
Яка задам ба тавар.
Эй, деҳқони беҳабар,
Тухми арзан ниғаҳ дор».*

(Аз мақоли халқ).

Як ҳикоят мекунам ман аз гузашти рӯзгор,
Ақлу идроку тамизро ҷамъ созу ҳуш дор.
Аҳлии аҳли Чакандро нақл месозам ба ту,
Некиҳои мардумони ин диёрро гӯш дор.

Солу моҳу рӯзу шаб омад балои гушнаги,
Бар сари халқу Ватан омад вабои гушнаги.
Дашту саҳро шуд ҳазону заъфарон гашт ранги ӯ,
Қатрае борон наборид дар баҳори зиндаги.

Ин тараф ҷабру ситам, дарду алам афзун шуда,
Он тараф ҷангу замин аз хуни халқ гулгун шуда.
Қимматию қаҳтию бемории дарди вабо,
Мерабуди хастагонро дам ба дам афъюн шуда.

Мехарошид қалби касро гирияҳои баччагон,
Аз барои бурдае нон нолаҳои модарон,
Баҳри ризқу рӯзи рафта, дона мекофт камбағал,
Аз зану фарзанду модар дур гашта додарон.

Сангу мизони замон буди баробар ҳар кучо,
Ҳар қадар заҳмат каши, охир ҳамегашти гадо.
Бе Ватан танҳо ғарибу бекасу беҳамдаме,
Маҳв мегашт дар фироқи ёру дӯсту ақрабо.

Чанд кас ғоиб шуданд аз ин диёр заҳматкашон,
Аз чафои қимматию қаҳтиҳои он замон,
Холназар рафт бар Чинозу Каттақўрғону дигар.
Тарк карда русти – русти дар шабе аз ин макон,

Нарзиё, ин қиссаро охир намуди, пас чи шуд?
Гар нағўйи ҳоли зори дигарон, бар мо чи суд?
Сабр созад, гўямаш, ки ору номўси Ватан,
Бар ғазаб оварда буд, ки ҳисса – аз ин қисса буд:

Масҷиде буд, дар миёни ин диёри мўътабар,
Саҳни ўро ҷамъ гаштанд пиру барнову писар.
Тинчу сокин издиҳом, маъюсу музтар менигашт,
Бенидою бе садое, мунтазир бо чашми тар.

Ногаҳон марде намоён гашта, меомад далер
Издиҳом бар ҷунбиш омад, гуфта ўро гўи шер
Хашмину пурдаҳшату бо қаҳр мекарди назар,
Бо тааҷҷуб интизорон, мегазид лабҳои зер.

Бингариста чанд гоҳе, ў надид як – ду касе,
Ҳайраташ афзун шуду хоҳид ҳам рангаш басе,
Оҳи сардаш аз ҷигар монанди дуд фаввора зад,
Гўйе торик шуд, бар чашми ў олам ҳаме.

Нури чашмонаш ба дилҳо, шишаи садпора зад,
Санғҳои осие бар гўши вай чун хора зад.
Чун кунад, ки аз Ватан дил кандааст ҳамдеҳаш,
Мардиरो аз каф надода, наъраи ҳамвора зад.

Эй азизон, ноумеди кори номардон бувад,
Маҳсули рўйи замин аз заҳмати мардон бувад.
Дидаед оё ҷаву гандум нарўид дар замин,
Таъбире бояд, ки халқи мамлакат бо нон бувад.

Гар табиат ин қадар ҷабру ситам дорад раво,
Месазад бар рағми он як чорае ёбем мо.
Ман аминам он касе, ки рафтааст аз ин диёр,
Сад пушаймон мешавад охир аз ин кори хато.

Гар набошад ору номус, мулк вайрон мешудааст,
Мардумонаш бесару бе аҳду лаймон мешудааст.
Шаҳру бозору саройи ин ҷаҳонро дидаам,
Бесару беору номус, гўлу нодон мешудааст.

Халқ гўяд: «Ҳафт раҳ андоза кун, як бор бур»,
Ҳикмати донои мардумро шунав, асло мабур.
Маслиҳат дорам шуморо ман ба фармони дилам,
Ҷў канем, арзан бикорем, нон пазем андар танўр.

Нарзиё, ин қиссаро охир намуди бо ҳамин,
Интизорам бар шунидан чист анҷомаш яқин.

Ногаҳон шўру фиғону нолаҳо омад ба ҷўш,
Издихом дар чунбишу аз ҳар тараф мавҷи хурўш.
Кинаву таҳқир шуниду рафта бар ҷояш нишаст,
Ҳар касе гар ҳар чи мегуфт дам ба дам омад ба гўш.

—Вақт рафт, тухми кани, аз гушнаги дармон кани?
Гуфта фарёд мезаданд ё ҷуфти гав, гаврон кани?
Ё магар девона шуд Махсум дар ин айёми сахт,
Карда афсўс гуфти: тавба, Махсуми пурдон кани?

Хест Махсум аз дигар пас наъраи шерона зад,
Чанд ҳарфе аз гузашти рўзгор мардона зад.
Ин шунав андар қадим ҳам ғасли сол омад чунин,
Як ғазалро хонду шўре бар дили вайрона зад.

«Дар Нанай ҳангоми дай ангур пухт, мо хўрдаем,
Дар тамуз оби Аму ях кард, мо бигзаштаем».
Мардумони он замон ҳам дидаанд айёми пеш,
Солҳое буд ин сон нораво мо дидаем.

«Дар вақти гули кавар яка задам ба тавар,
Эй деҳқони беҳабар, тухми арзан ниғаҳ дор».
Мардаке дар мундие нимчоряк арзан бидошт,
Зуд кошту баъди чил рўз нони арзан шуд наҳор.

—Ҳар қадар таҳқир кунед маро, намеояд малол,
Гўш доред бо ақаб таъбир намоям бар мисол.
Гар насози чорае мардум парешон мешавад,
Хонумон вайрон, ки шуд бар кўдакон гардад увол.

Вақт ганимат аз пагоҳи бо каланду бел равем,
Бар сари оби ҳаёт ғурришкунон чун сел равем.

То ба созем ҷўйи обро то сари саҳрои хушк,
Об диҳем, арзан бикорем, нон пазонем, сер шавем.

Авиалин навбастаи сесоларо ман медиҳам,
Ҷар кас аз ҳиммат чизе орад ба он зам мекунем.
Аз ҳашар бояд намонад ҳеч кас, пиру ҷавон,
Рози бошед бар иҷора тухми арзан мегирем.

Аҳли деҳ якбораги бар таклифи ў рози шуд,
Хеста чанде ҳам аз ҳар сў пайи анбози шуд.
Ҷумла одам дар тараддуд омада тайёри дид,
Гуно хобе нарафта аз пайи корсози шуд.

Он қадар одам биомад саф шуда бар ин ҳашар,
Тоспа шуд нону мавизу меваҳои хушк тар.
Ҳанит адад моли калону даҳто гўсфанд кушта шуд,
Шиддати зарби каланд гўё расид бар гўши кар.

Си хару асп чамъ карда рафт Махсум сўи шаҳр,
Бар иҷора аз Ҳакимбой эй басо арзан гирифт.
Баъди итмому тамоми рўзи дуввуми ҳашар,
Панҷсаду як пуд биовард арзанаш думан гирифт.

Аз таги шах то ба саҳро дар ду рўз шуд кофта ҷў.
Ҷилва карда чун арўсе об мерафт кў ба кў.
Гову ҳар, аспу шутурҳо бар заминрони бирафт,
